- 21.50 Д/ф "22 минуты. Как это было"
- 22.20 "Контрольный звонок"
- 23.20 "Тайнственная зона"

РОССИЯ K

- 06.30 "Евроньюс"
- 10.00 "Обыкновенный концерт"
- 10.35 Х/ф "За двумя зайцами"
- 11.45 Д/ф "Олег Борисов"
- 12.30 Россия, любовь моя! "Туркмены Ставрополя"
- 12.55 Тени и злоен
- 13.25 К 95-летию со дня рождения Георга Отса
- 14.10 "Пешком... Москва деревянная."
- 14.40 "Что делать?"
- 15.25 "Кто там..."
- 15.55, 02.40 Д/ф "Квасбек - французское сердце Северной Америки"
- 16.10 "Пiano Гайз"
- 17.10 Легенда "Озера Смерти"
- 18.00 "Контекст"
- 18.40, 01.55 "Кодя на Земле правили боги"
- 19.30 Х/ф "Человек, которого я люблю"
- 20.55 Д/ф "Русский крест. От тюрьмы и от сумы..." Георгий Жженов
- 22.25 Фильм-спектакль "Вечерний свет"
- 00.50 Концерт оркестра Гленна Миллера.
- 01.45 М/ф "Брэк!"

ТВ3

- 04.00 Мультисернал
- 08.30 "МастерШеф"
- Кулинарное шоу
- 10.00 "Успеть за 24 часа"
- Реалити-шоу
- 11.00 "Свидание со вкусом"
- Дэйтинг-реалити
- 12.00 "О чем молчат девушки"
- Комедия, Россия, 2013 г.
- 13.40 "Ералаш"
- 14.30 Шоу "Уральских пельменей". Смешинги"
- 15.50 "Эпик Веноузигиш"
- 17.35 "Ловушка для родителей"
- 20.00 "Знакомство с родителями"
- 22.05 "Империя иллюзий. братья Сафроновы" Шоу магии и иллюзий
- 00.05 "6 кадров"

СТС

- 06.00, 08.30 Мультифильм
- 07.00 "Школа доктора Комаровского"
- 07.30 Д/ф "Вокруг Света"
- 08.45 Х/ф "Агент по кличке Спот"
- 10.45 Х/ф "Чаролей"
- 14.00 Х/ф "Двенадцать друзей Оушена"
- 16.30 Х/ф "Тринадцать друзей Оушена"
- 19.00 Х/ф "Над законом"
- 21.00 Х/ф "Вертикальный предел"
- 23.30 Х/ф "Без пощады"
- 01.45 Х/ф "Приключения Электроника"

Душанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30, 01.00 X/ф "Легучий отряд. Порт"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Звездочет"
17.15 "24 кадра"
17.45 X/ф "Правила охоты. Штурм"
21.05, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей.
00.05 "Создать Группу "А". Пашине и жинке
02.40 "Эволюция"
04.30 Хоккей.
06.35 X/ф "Сармат"

Сешанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30, 00.50 X/ф "Легучий отряд"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Звездочет"
18.00, 20.45 Большой спорт
18.25 Хоккей.
21.05 X/ф "Марш-бросок. Охота на "Охотника"
02.30 "Эволюция"
04.05 "Диалоги о рыбалке"
04.30 Хоккей.
06.35 X/ф "Сармат"

Душанба

06.00 X/ф "Вечерний лабиринт"
07.25, 09.15 X/ф "Кортик"
09.00, 13.00, 18.00, 23.00
Новости дня
09.25, 13.15 Т/с "Майор Ветров"
13.50 Т/с "Небо в огне"
18.30 Д/с "Подводная война"
19.15 X/ф "Морской характер"
21.15 X/ф "Курьер"
23.20 Д/с "Легенды советского сыска"
00.55 "Военная приемка"
04.35 X/ф "Святотство гусяра"

Сешанба

06.00 X/ф "Свет в окне"
07.35, 09.15 X/ф "Игра"
09.00, 13.00, 18.00, 23.00
Новости дня
09.50, 13.15 Т/с "Мелвежя охота"

Чоршанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30, 01.00 X/ф "Легучий отряд. Пятое дело"
12.10, 02.40 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Звездочет"
17.05 "Опыты дилетанта"
Поисковики
17.35 X/ф "Три дня лейтенанта Кравцова"
21.05, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей.
00.05 "Создать Группу "А". 04.10 "Трон"
04.35 "Наука на колесах"
06.05 "Поддон", Панишь
05.35 Формула-1.
05.55 X/ф "Сармат"

Пайшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30, 01.00 X/ф "Легучий отряд"
12.10 "Эволюция"
13.40 Большой футбол
13.55 X/ф "Земляк"
16.50, 19.05, 21.05, 23.45 Большой спорт
17.05 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
17.35 Биатлон.
19.15 X/ф "Титлер капут"
21.25 03.50 Хоккей.
00.05 "Создать Группу "А".
02.40 "Эволюция"
05.55 X/ф "Курьерский особой важности"

Жума

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30 X/ф "Титлер капут"
12.20 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Земляк"
17.00 "Полигон". Саперы
17.20, 21.10, 23.45 Большой спорт
17.50 Биатлон.
19.15 X/ф "Ключ саламандры"
21.25 Хоккей.
00.05 "Создать Группу "А". Красная камера
01.00 X/ф "Курьерский особой важности"
04.15 "Эволюция"
05.10 Волейбол.
07.00 Смешанные единоборства.

Шанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30 "Диалоги о рыбалке"
11.30 "24 кадра"
12.00 X/ф "Ключ саламандры"
13.55, 17.05, 18.40, 00.25
Большой спорт
14.20, 17.50 Биатлон.
15.15 X/ф "Титлер капут"
17.20 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
18.55 Волейбол.

20.45 X/ф "Охотники за караванами"
00.45 Биатлон.
02.15 "Опыты дилетанта"
02.45 "Смертельные опыты".
03.15 "Человек мира".
04.15 "Максимальное приближение"
04.40 Хоккей.
06.45 Профессиональный бокс

Якшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30 "Моя рыбалка"
10.50 "Язь против ель"
11.20 "Главная стена"
13.40, 14.50 Большой спорт
13.50, 15.50 Биатлон.
15.20 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
16.45 X/ф "Ключ саламандры"
18.40 X/ф "Полюста"
22.25 "Создать Группу "А".
23.20 "Создать Группу "А".
01.00 "Большой футбол с Владимиром Стогниенко"
01.45 Баскетбол.
03.35 "Эксперименты".
04.35 "За кларом". Гватемала
05.50 "Максимальное приближение". Сенегал
06.30 X/ф "Пыльная работа"



Звезда

Душанба

06.00 X/ф "Вечерний лабиринт"
07.25, 09.15 X/ф "Кортик"
09.00, 13.00, 18.00, 23.00
Новости дня
09.25, 13.15 Т/с "Майор Ветров"
13.50 Т/с "Небо в огне"
18.30 Д/с "Подводная война"
19.15 X/ф "Морской характер"
21.15 X/ф "Курьер"
23.20 Д/с "Легенды советского сыска"
00.55 "Военная приемка"
04.35 X/ф "Святотство гусяра"

Сешанба

06.00 X/ф "Свет в окне"
07.35, 09.15 X/ф "Игра"
09.00, 13.00, 18.00, 23.00
Новости дня
09.50, 13.15 Т/с "Мелвежя охота"

13.50 Т/с "Небо в огне"
18.30 Д/с "Подводная война"
19.15 X/ф "Город принца"
20.55 X/ф "У опасной черты"
23.20 Д/с "Легенды советского сыска"
00.55 Д/ф "Второй фронт.
Лучше поздно, чем никогда"
02.00 Профилактика

Чоршанба

06.00 Профилактика
14.00 Т/с "Небо в огне"
18.00, 23.00 Новости дня
18.30 Д/с "Подводная война"
19.15 X/ф "Петровка, 38"
21.00 X/ф "Огарева, 6"
23.20 Д/с "Легенды советского сыска"
01.00 X/ф "О бедном гусаре замолвите слово"
04.15 X/ф "Бег от смерти"

Пайшанба

06.15 Д/ф "Второй фронт.
Лучше поздно, чем никогда"
07.05, 09.15, 10.20, 13.15 Т/с "Небо в огне"

09.00, 13.00, 18.00, 23.00
Новости дня
13.45 Т/с "Вердикт"
18.30 Д/с "Подводная война"
19.15 X/ф "В двух шагах от Рая"
21.05 X/ф "Торпелосныпы"
23.20 Т/с "72 метра"
02.25 X/ф "Подводная лодка "Т-9"
03.50 X/ф "Тайна виллы "Грета"

Жума

06.00 X/ф "Жених с того света" невероятное... происшествие!
07.05, 09.15, 10.20, 13.15 Т/с "Небо в огне"
09.00, 13.00, 18.00, 23.00
Новости дня
13.45 Д/с "Охотники за сокровищами"
17.10 "Военная приемка"
18.30 X/ф "Солдат Иван Бровкин"
20.20 X/ф "Иван Бровкин на целине"
22.15, 23.20 X/ф "Улипа полна неожиданностей"
23.55 X/ф "Груз 300"
01.30 Т/с "Вердикт"

Шанба

06.00 Мультфильмы
06.15 X/ф "Как Иванушка-дурачок за чудом ходил"
07.55, 09.15 X/ф "Солдат Иван Бровкин"

09.00, 13.00, 18.00, 23.00
Новости дня
10.00 "Папа сможет?"
11.00 "Легенды цирка с Элардом Запашным"
11.25 "Звездская работа"
12.30, 13.15 X/ф "Иван Бровкин на целине"
14.40 Т/с "72 метра"
18.20 "Новая звезда"
20.10 X/ф "Водитель для Веры"
22.25, 23.15 X/ф "Между жизнью и смертью"
00.25 Т/с "Майор Вихрь"
04.55 Д/ф "История военного альпинизма"

Якшанба

06.00 Мультфильмы
06.20 X/ф "Золотые рога"
07.35 X/ф "Улипа полна неожиданностей"
09.00 "Служу России"
10.00 "Военная приемка"
10.50, 13.15 X/ф "Не бойся, я с тобой"
13.00, 23.00 Новости дня
14.15 X/ф "Врача вызывали?"
16.20, 18.45 Д/с "Легенды советского сыска"
18.00 Новости. Главное
21.10 "Новая звезда"
22.40, 23.15 X/ф "Из жизни начальника уголовного розыска"
00.40 X/ф "Водитель для Веры"
03.00 X/ф "Удар! Еще удар!"
04.50 Д/ф "История военного альпинизма"

Матрикс.бай.уз!

"Ўзбектелеком" АК Андижон филиали

Пойтуғ телекоммуникациялар боғламаси
жамоаси боғлама муҳнатни муҳофаз қилиш
мутахассиси **Зулайхо ЗУХРИДДИНОВА**ни 55
ёши билан самийи муборақбод этади. Унга
узук умр, соғ-саломаатлик, оиласига
хотиржамлик тилайди.

“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУҚ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган
яшарин ва янгилашни байрами —

Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этади.

Юртимизда Наврўз шодиёналари бошланиб,
баҳорий кайфият ҳукм сураётган ушбу
фараҳли дамларда сиз азизларга бахт ва
омад, соғлиқ-омонлик, барча эзгу
ниятларингиз рўёбга чиқишини тилаймиз.

Баҳорий айём умрбоқий анъаналаримиз ва
урф-одатларимизни ўзида мўжассам этганлиги билан
ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Шундан уни
интизорлик билан кутамиз ҳамда шоду
хуррамлик билан нишонлаймиз.



Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
НАМАНГАН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

“Ўзбекистон почтаси” АЖ “ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Юртдошларимизни улуг айём —

Наврўзи олам

билан қутлайди.

Ободлик ва меҳр-оқибат байрами
муборак, азизлар!

Азиз юртдошлар!
Сизларни Наврўзи олам билан
гин юракдан табриклаймиз!

Сизларга сизат-саломатлик,
хонадонларингизга файзу баҳара,
юртимиз равиқи, халқимиз
фаровонлиги йўлидаги бағра
ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
БУХОРО ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

Бугунда географик нуқтаи назардан турли нуқталарда жойлашган кутубхоналарда ресурсларни электрон шаклга ўтказиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Албатта, электрон кутубхона яратиш жаҳон андозаларига асосланган катта ҳажмдаги маълумотлар банкни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундай банкни сақлаш учун нархи нисбатан қиммат катта ҳисоблаш ресурси ва хотирага эга сервер компютерлари керак бўлади. Уларни харид қилишга эса кўп ҳолларда имконият бўлмайди.

Маъмур муаммони Грид тизими асосида виртуал ташкилот яратиш ва унинг хотира ресурсларидан унумли фойдаланиш негизида бартараф этиш мумкин. Куйида муаммонинг ечими, яъни Грид тизими имкониятлари асосида виртуал электрон кутубхона яратиш ҳақида сўз юритамиз.

Грид технологиялари тақсимланган инфратузилма кўринишида бўлиб, турли нуқтадаги компютер ресурсларини бирлаштириб, фойдаланувчига ягона ресурс шаклида тақдим этишни таъминлайди.

Грид (grid — тўр) — мослаштирилган, очик ва стандартлаштирилган компютер муҳити ҳисобланади ва виртуал ташкилот доирасида эгилувчан, хавфсиз, мақсадга йўналтирилган ҳолда ҳисоблаш ва маълумот сақлаш ресурсларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишга имкон яратади.

Грид технологиялари куйидаги ресурсларни тақдим этиши мумкин:

- ҳисоблаш ресурслари (алоҳида компютерлар, кластерлар);
- маълумот сақлаш ресурслари (дисклар ва диски массивлар, тасмалар, маълумотларни оммавий сақлаш тизимлари);
- тармоқ ресурслари;
- дастурий таъминот (соҳага их-

тисослаштирилган ДТ);

Грид тизимлари асосида бир-бирига илмий ва амалий қизиқиши бор турли ташкилотлар ўз хоҳишлари билан бирлашма яратишлари мумкин. Бундай бирлашма Грид технологиялар асосида тузилган виртуал ташкилот дейилади.

Виртуал ташкилот аъзолари интернет тармоғи асосида бир-бирлари билан шундай боғланишлари, бунда уларнинг ҳисоблаш ва хотира қувватлари бирлашиб, катта қувватга эга ягона виртуал компютерга айланади. Виртуал ташкилот аъзолари ўзларининг ресурсларини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Виртуал ташкилот аъзолари ўз ресурсларини Грид тизимига тақдим этадилар ва виртуал ташкилотнинг бошқа аъзолари ресурсларидан кераклигича фойдаланадилар.

Грид технологиялари негизида шакллантирилган тақсимланган инфокоммуникацион муҳит одатда ҳар хил турдаги аппарат-дастур платформа асосида яратилган турли классдаги компютерлар, жумладан, персонал ком-

ГРИД ТИЗИМИ

Ушбу технология асосида виртуал электрон кутубхона шакллантириш мумкин



пютер, ишчи станция, мейн-фрейм ҳамда суперкомпютерлардан таркиб топади ва "гетероген" муҳитни ташкил этади.

Грид технологиялари асосидаги тақсимланган инфокоммуникация тизимига хос хусусиятлар куйидагича изоҳланади:

- ҳисоблаш ресурсларининг масштаблари (хотира ҳажми, процессорлар сони ва қувватлари) битта компютернинг ёки битта ҳисоблаш комплексининг ресурсларидан бир неча марта катта бўлади;

- тизим доирасига турли қувватга эга компютерлар кирилади, улар ҳар хил амалий тизимлар негизида бошқарилади ва турли элемент базаси асосида яратилади (яъни, муҳит "гетероген" бўлади);

- ахборот-ҳисоблаш ресурслари географик нуқтаи назардан кенг доирада тақсимланади;

- дислокацияланган ресурслар интеграллашган ҳолатда ягона ресурс сифатида фаолият кўрсатади, агар ресурслар бир ташкилотга тегишли бўлмаса, улар марказлашмаган ҳолда бошқарилади;

- стандарт, очик ва кенг фойдаланиладиган протоколлар ва интерфейслар асосида яратилади;

- тизим миқёсида ахборот хавфсизлиги таъминланади.

Грид тизими асосида мураккаб моделлаштириш, жуда катта ҳажмдаги илмий маълумотлар тўплами-

ни биргаликда таҳлил қилиш, таҳлиллаш мақсадида тақсимланган маълумотларни ягона тизим шароитида қайта ишлаш, илмий жараёнларни узоқ масофадаги компютер ва архивлар билан боғлаш каби амалий масалаларни ечиш мумкин. Бошқача айтганда, Грид тизимларини куйидаги воситалар талаб этадиган масалаларни ечишда қўллаш самарали ҳисобланади:

- максимал қувватга эга процессор, хотира ва бошқа ресурсларни талаб қиладиган масалаларни ечиш;

- "туриб" қолган компютер ресурслари асосида унча катта бўлмаган масалалар ечимини ташкил қилишда "юқори-оқимли" ҳисоблаш жараёнларини ташкил қилиш;

- бир мартали катта ҳисобкитобларни амалга ошириш;

- катта ҳажмдаги тақсимланган маълумотлар асосида ҳисоблашларни бажариш, масалан, метеорология, астрономия, юқори энергияли физика соҳаларида;

- коллектив ҳисоблаш жараёнларини ташкил қилиш, яъни турли фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабатдаги бир неча масалаларини ечиш.

Шу билан бирга, Грид тизимлари орқали ҳар хил турдаги тизимларни бирлаштириш, маълумотлардан биргаликда фойдаланиш, ресурсларни динамик тартибда тақдим этиш, иловаларни гетероген муҳитда узатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби муаммоларни ечиш мумкин.

Ақром САЛОҲИДДИНОВ,
TATU магистранти

Маълумот ўрнида

Утган асрнинг 90-йиллари бошларида пайдо бўлган "Грид" атамаси жуда катта ҳисоблаш ресурсларини талаб қиладиган ва электрон тармоқлар (Power Grid) орқали муайян аниқлик киритиш масалаларини ечиш учун компютер тармоқларидан фойдаланиш ҳолатида дастлабки китоб муаллифлари Ян Фостер ва Карл Кесселман томонидан тақлиф этилган.

ТЕХНОМИЛЛИАРДЕРЛАР (ТОП-15)

Forbes нашри ахборот технологиялари соҳасининг энг бой кишилари рейтингини эълон қилди. Таъкидлаш керакки, Microsoft асосчиларидан бири Билл Гейтс 16-мартаба нуфузли рейтингнинг етакчисига айланиш билан бирга, жаҳоннинг энг бой кишиси мақомини ҳам сақлаб қолди.

№	Исм-шарифи	Фаолияти	(\$ млрд.)
1	Билл Гейтс	Microsoft асосчиси	79,2
2	Ларри Элисон	Oracle асосчиларидан бири ва собиқ раҳбари	54,3
3	Жефф Безос	Amazon асосчиси ва раҳбари	34,8
4	Марк Цукерберг	Facebook асосчиси ва раҳбари	33,4
5	Ларри Пэйж	Google асосчиларидан бири ва раҳбари	29,7
6	Сергей Брин	Google асосчиларидан бири ва махсус лойиҳалар бўлими раҳбари	29,2
7	Жек Ма	Alibaba асосчиси ва директорлар кенгаши раиси	22,7
8	Стив Балмер	Microsoft собиқ раҳбари	21,5
9	Лорен Пауэлл Жобс	Emerson Collective асосчиси; Apple асосчиларидан бири Стив Жобснинг беваси	19,5
10	Майкл Дэлл	Dell раҳбари ва директорлар кенгаши раиси	19,2
11	Азим Премжи	Wipro Limited директорлар кенгаши раиси	19,1
12	Пол Аллен	Microsoft асосчиларидан бири	17,5
13	Ма Хуатэн	Tencent раҳбари ва директорлар кенгаши раиси	16,1
14	Робин Ли	Baidu асосчиси ва раҳбари	15,3
15	Шив Надар	HCL Group асосчиларидан бири	14,8

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
НАВОИЙ ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни янгиланиш
 ва навқиронлик рамзи, бунёдкорлик ва
 яратувчанлик байрами —

Наврўз айёми

билан чин дилдан қутлайди!



Хар бир хонадонга тинчлик-тотувлик,
 файзу барака, тўқин-солнлик ёр бўлсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

Бунёдкор
 халқимизни
 эзгулик байрами —

Наврўз айёми

билан самимий
 мувораквод этади!

Чехрангиз ҳамиша
 баҳор қуёшидаги чароғон,
 кайфиятингиз доимо кўтаринки
 бўлишини истаймиз!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

Азиз юртдошларимизни
Наврўз
 байрами билан табриклайди.



Баҳор таровати, табиатнинг уйғониши,
 борлиқнинг гуллаб-яшнаши барчамизга
 кўтаринки кайфият, гўзаллик завқу шавқини,
 эзгулик саодатини бахш этсин!

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

Халқимизни
Наврўзи олам
 билан табриклайди.

Она табиатнинг уйғониш, яшариш,
 яшнатиш айёми – Наврўз юртимизга хайрли
 келсин! Юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ,
 хонадонларига файзу барака тилаймиз.
 Жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги
 фидойи меҳнатларингизда улкан
 муваффақиятлар ёр бўлсин!



ФАХРИЙЛАР АРДОҚДА

Халқимизда ёши улуг инсонларни йўқлашдек ажойиб қадр-ятлар мавжуд.

"Андижон матбуот тарқатувчи" жамиятида ҳам ҳар йили ана шундай тадбирларни ўтказиш анъанага айланган. Чунончи 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни олдида соҳада кўп йиллар самарали меҳнат қилган бир гуруҳ фахрий онахонларга байрам дастурхони ташкил этилиб, уларга совғалар топширилди. Жамият тасарруфида фаолият ўртаётган ходимлар ҳам эътибордан четда қолмади. Жамоага ўрнатилган фаол аёллар корхонанинг фахрий ёрликлари ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

— Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустақамлашга, уларнинг нафақат оилада, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган савб-ҳаракатлар амалга ошириляпти, — дейди "Андижон матбуот тарқатувчи" жамияти директори Муқимжон Раҳимов. — Кексаларни эъзозлаш йили доирасида билан фахрийларимиз учун алоҳида тадбир уюштирдик.

Шунингдек, байрам арафасида корхонада ишлаётган барча аёлларга байрам совғалари етказилди.

Элмурод ЭРМАТОВ,

"Андижон матбуот тарқатувчи" жамияти ходими

МУШОИРА

СамДУ 1-академик лицейи ва вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан Ўзбекистон халқ шоири Зулфияxonим Исроилова таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Лицейнинг 318-гуруҳ ўқувчилари Умида Даминова ва Мафтуна Бахронова, 209-гуруҳ ўқувчиси Давлат Тоштемировлар ижросидаги "Муҳаббат мушоираси" да Ҳамид Олимжон ва Зулфияxonим ижодидан, бахт ва шодлик, муҳаббатга йўғрилган шеърларидан намуналар ёддан ўқилди, шоирларнинг биргаликдаги ҳаёт йўли, ижодига оид қизиқарли воқеалар ва бошқа маълумотлар йиғилганларга етказилди.

"Имконшоу" интеллектуалрингиде эса "Ёшижодкорлар" ҳамда "Ёш спортчилар" жамоалари ўз билимларини синаб кўрдилар. Мантикий савол-жавоблар, пантамоим, баҳрибайт, кўшиқ ва рақслар тадбири бебаб, барчага эса қоларли онларни тўхфа этди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдуғафур ХОТАМОВ,

"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

МЕҲРИГИЁ

Самарқандда бу йилги баҳор Зулфия таваллудининг 100 йиллиги билан бошланди.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида "Зулфия 100 ёшда", "Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижоди" номли кўргазмалар ташкил этилиб, "Кўкнинг зухроси-ю шеърятнинг Зулфияси" мавзуда даврий нашрлар асосида ҳар сешанба кунлари шарҳлар, "Зулфияxonим меҳригиёси" номли мултимедиа, "Замон ва Зулфия" номли махсус маълумотли электрон база, "Вафо ва садоқат куйчиси" номли услубий қўлланмалар доимий равишда нашр этилиб, барча касб-хунар коллежлари ва лицейлар, умумтаълим мактаблари, ҳарбий кутубхоналарга тақдим этилмоқда.

Яқинда АКМнинг 18дан 30 ёшгача ходимлари "Бахти шул — ўзбекнинг Зулфиясиман" кўрик-танловида қатнашдилар. Кутубхоначиларимиз Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижоди, савол-жавоблар, "Замонавий ўзбек аёли тимсоли" сингари шартларда ўз билим ва заковатини намойиш этишди.

Маданият ва санъат секторининг 1-тоифали кутубхоначиси Зарина Ҳақбердиева танлов ғолибаси бўлди. Барча қатнашчиларга АКМ касабани уюшмасининг фахрий ёрлик ва совғалари тақдим этилди.

Маҳбуба КУЛОВА,

АКМ илмий-услубият бўлими мудири

Барча шодлик сизга бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалида "Барча шодлик Сизга, аёллар!" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни филиал директори Жуманазар Бозоров табрик сўзи билан очди ва "Ўзбектелеком" АК маъмуриятининг алоқачи хотин-қизларга байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, филиал касабани уюшмаси кўмитаси раиси Бобокул Жуманов, иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи Атҳам Сулаймонов, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи Қаҳрамон Расулов ва бошқалар сўзга чиқиб, филиал ва унинг телекоммуникациялар боғламаларида фаолият юритаётган алоқачи хотин-қизларнинг эришаётган ютуқларига тўхталдилар. Хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди.



Аёл билан олам мунаввар



"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиалидаги тадбир "Аёл билан олам мунаввар" деб номланди. Филиал ҳамда Қарши почта алоқаси тармоғи хотин-қизлари тақлиф этилган ушбу байрам тадбирини филиал директори Ориф Маҳмудов табрик сўзи билан очиб, "Ўзбекистон почтаси" АЖ маъмуриятининг почта алоқаси соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларга йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Филиал директорининг ўринбосари Мирзохид Маматов, Қарши почта алоқаси тармоғи бошлиғи вазифасини бажарувчи Асрор Йўлдошев, назорат ишлари бўйича муҳандис-иш юритувчи Шукрулло Жалилов ва бошқалар сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларини нафосат ва гўзаллик байрами билан кутладилар. Хотин-қизларга байрам гулдастаси тўхфа этилди.

Чеҳрасида табассум бўлса...

Қашқадарё вилоят "Матбуот тарқатувчи" ШКда ўтказилган байрам тадбири "Чеҳрасида табассум бўлса аёлнинг..." деб номланди. Унда корхона ва жойлардаги "Матбуот" дўкони ходимлари жам бўлишди. Алоқачи хотин-қизларни корхона раҳбари Тиркаш Очилов табриклар, "Матбуот тарқатувчи" АК маъмуриятининг хотин-қизларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди. Корхона сараловчиси Шерзод Фаниев, катта йўриқчи Бобур Қунов, назорат бўлими бошлиғи Йўлдош Ниёзовлар сўзга чиқиб, хотин-қизларни баҳор байрами билан табриклар, уларга эсдалик совғаларини топширдилар.

Соҳамиз санамлари

Қарши шаҳридаги "Чинор" ресторанида "Соҳамизнинг санамлари" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. "Ўзи-Қарши" филиалининг байрам дастурхонига филиал алоқачи хотин-қизлари тақлиф этилди. Филиал директори Фулом Раҳимов табрик сўзида юртимизда кенг нишонланаётган хотин-қизлар байрами, аёлларга қаратилаётган эътибор, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришдаги уларнинг ўрнига тўхталиб, "Ўзи" қўшма корхонасининг филиал хотин-қизларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Филиал техник директори Абдуқаҳор Дўстқобулов, тижорат директори Санжар Жабборов, ходимлар бўлими менежери Шухрат Қаюмов, таъминотчи Баҳодир Тоштурдиев ва бошқалар байрам тилақларини билдиришди. Фаол алоқачи хотин-қизларга совғалар улашилди, ажойиб кўшиқлар рақсларга улашиб кетди.

Даврага кел, дугонажон!

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида иқтидорли талаба қизлар ўртасида "Даврага кел, дугонажон!" кўрик-танлови ўтказилди.

Қизлар танловнинг биринчи шarti — танишув қисмида шеър ва монологлар ўқишди, иккинчи шartiда эса шеърятимиз маликаси Зулфияxonим ҳақида саҳналаштирилган чиқишлар қилишди. Ким энг яхши пазанда — бунга учинчи шarti оидлиқ киритди. Сўнгги баддий қисм турли саҳна кўринишлари, куй-кўшиқлар, рақслар, қолаверса, қизларнинг хунармандчилик маҳоратига бағишланиб, тадбирга ўзгача кайфият бахш этди.

Ҳакамлар ҳайъати баҳоларига кўра, яқинда Гулрух Мирзаева 1-ўрин, Ёзоза Маллаева 2-ўрин ва Юлдуз Алимардонова 3-ўрин соҳибаларига айланишди. Шунингдек, "Энг лобар қиз" номинациясида Мафтуна Ҳамроева, "Энг ораста қиз" номинациясида Фариди Содикова, "Энг пазанда қиз" номинациясида Зумрад Умарова, "Энг зукко қиз" номинациясида Махлиё Қаюмовалар зафар кучишди. Барча қатнашчилар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,

"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири

ХАЙРЛИ ИШЛАР

Корхоналарда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимга ғам-хўрлик зарур, ҳар қандай меҳнат рағбатга муҳтож, шу боис жамоаларда бошлангич касаба уюшмаси олиб бораётган хайрли ишлар негизда кишиларга бўлган эътибор, қадр ва ҳурмат каби олижаноб вазифалар туради.

"Ўзи-Жиззах" филиалида узоқ йиллардан буён суняги меҳнатда қотган алоқачилар, ишлаб чиқариш илғорлари, фахрий-устозлар кўплаб топилди.

Корхонада 2014 йил давомида янги ноанъанавий хизмат турларини жорий қилиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Натижада олинган даромадлардан ходимларга жамоа шартномасида кўрсатилган ижтимоий тўловлар амалга оширилди.

Жамоа шартномасига мувофиқ мажбуриятлар ижроси таҳлилларига кўра, ўтган йили филиал бўйича ижтимоий имтиёзларни ҳисобга олганда, ўртача иш ҳақи 761,2 минг сўмга етказилди.

— Ҳисобот даврида филиал

ишчи-ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида берилган ижтимоий имтиёзлар жами 526257,0 минг сўм бўлиб, бир нафар ходимга имтиёзлар учун сарфланган маблағ ҳар ойда ўртача 365,4 минг сўмни ташкил этди, — дейди филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси Тожибой Пардаев. — Жумладан, кечки ва тунги навбатчилик учун 36 нафар ходимга 62,3 минг сўмдан, соҳадаги узоқ йиллик иш стажига эга 110 нафар ходимга ҳар ойда 77 минг сўмдан, 54 нафар ходимга бир мартали мукофот пули 555,3 минг сўмдан тўланди. Иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижаси бўйича оғир меҳнат шароитида меҳнат қилаётганлиги ҳисобга олиниб, тўрт нафар ходимга ҳар ойда 31,1

минг сўмдан бериб борилди. Иш ўринларини меъёрга келтириш бўйича 20918,0 минг сўм сарфланди. 46 нафар ходимнинг ҳар бирига 174,3 минг сўмлик махсус кийим тарқатилди. Юбилей саналари муносабати билан 6 нафар ходимга ўртача 424,8 минг сўм миқдорига, узлуксиз иш стажига 20,25,30,35 ва ундан юқори бўлган ходимларнинг 11 нафарига ўртача 361,6 минг сўмдан тўлаб берилган.

Бундан ташқари, 120 нафар ходим бахтсиз ҳодисалардан сургурталанди, уларга сарфланган маблағ 6638,0 минг сўмни ташкил этди. Сиҳатдоҳларда олти нафар ходим соғлиқларини тиклаб қайтишди.

Филиал касаба уюшмаси корхонанинг молиявий аҳолини яхшилаш, ходимлар малакасини, кўшимча хизмат турлари ҳажмини ошириш каби асосий йўналишлар доимий назорат остида бўлишини қатъий белгилаб олган.

Норкул МАЪМУР,
"Xabar"нинг Жиззах
вилоятидаги мухбири

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилган футбол бўйича аънанвий VI очик чемпионат ўз якунига етди. Жами 9 жамоа қатнашган турнирда "Геолог" жамоаси голибликни кўлга киритди.

Кумуш медаллар "Нажот-Шифо" жамоасига, бронза "АРҒИН" жамоасига насиб этди. "ТАТУ-талабалар" жамоаси ушбу турнирда 4-ўринни эгаллаган бўлса, "ТАТУ-ўқитувчилар" жамоаси 6-ўрин билан кифояланди. "ТАТУ-талабалар" жамоаси ҳужумчиси Искандар Назаров 22 гол билан тўпурарлар рўйхатида 2-ўринга кўтарилди.

Ғолиб ва совриндорларга кубок ҳамда медалларни футбол бўйича етакчи мутахассис Алишер Файзиев, ТАТУ "Жисмоний тарбия" кафедраси мудири Ориф Эрденов ва шу кафедра профессор-ўқитувчиси Элдар Кошбахтиевлар топширишди.

Акмал АЛИМАРДОНОВ,
ТАТУ талабаси

МУСИҚАЛИ ТАДБИР

Ёзёвон туманидаги педагогика коллежи ахборот-ресурс марказида муסיқали тадбир уюштирилиб, ота-оналар, ўқувчилар, фахрийлар, санъат шайдолари таклиф этилди.

Ўқитувчи ва ўқувчилардан ташкил топган макомчилар гуруҳи "Гулбаҳор тановори", "Энди сендек...", "Сунбула", "Қора сочим", "Сочим учи", "Бўзтўрғай" каби ўнлаб кўшиқларни ижро этишдики, томошабинлар гулдурас қарсақлар билан олқишлашди. "Дилнаво" ўқувчи қизлар рақс дастаси маҳорат ила кўшиқларга монанд рақс ижро этди.

Тадбир якунида коллеж директори И.Шералиев мазкур тадбирни ташкиллашга бош қўшган бадиий раҳбар А.Абдурахимов, "Муסיқа" кафедраси мудираси С.Мўминова ҳамда макомчи рақс дастаси қизларига миннатдорлик изҳор этди. Тадбирда фаол иштирок этган ўқувчиларга китоблар тўхфа қилинди.

М.МУҲАММАДЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомининг 49-бандига асосан:

"OXYGEN NETWORKS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 4 февралда берилган АА серияли 0004583 рақамли;

- халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 4 февралда берилган АА серияли 0004584 рақамли;

"JUMA UMAR BOBO" хусусий фирмасининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 25 ноябрда берилган АА серияли 0003925 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 6 мартдан тугатилди.

ИЖРО ИНТИЗОМИ

Ҳар қандай корхонанинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишида ижро интизоми муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарор, буйруқ ва фармойишларнинг ўз вақтидаги ижроси нафақат корхона ва ташкилотлар раҳбарига, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилиши шакл-шубҳасиздир.

Ташкилотга келиб тушаётган ҳар бир ҳужжат рўйхатга олиниши, ижроچига етказилиши ва ижроси таъминланмагунга қадар назоратда бўлиши зарур.

Бу борада вилоятимиздаги соҳа корхоналарида иш юритиш ва ижро интизомига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Нодира номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида соҳа ташкилотлари раҳбарлари ва ижро интизоми, жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларига масъул ходимлар иштирокида "Иш юритиш ва ижро интизоми" ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида"ги қонуни юзасидан ўқув семинари ташкиллаштирилди.

Унда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси Наманган вилояти ҳудудий бўлини масъул бошлиғи Юсуфхон Эшоннов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини масъул етакчи мутахассиси Зулфия Аҳмадхўжаева, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиали директори, юридик фанлар номзоди Зоҳиджон Воҳидовлар томонидан иш юритиш ва ижро интизоми ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида"ги қонунининг долзарб жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Лола АҲАДОВА,
"Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиали
умумий бўлими бошлиғи

РАҚАМЛАР ДУНЫСИ

Осиёда қадимда саноқ бармоқ бўғинлари асосида юритилган. Барча бўғинлар биргаликда 28тани ташкил қилади ва бу сон мазкур саноқ тизимининг энг юқори босқичида турган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" АЖ "Халқаро почта" филиали жамоаси филиал ходими Абдувоҳид Умаровга падали бузруквори

Абдуваҳоб УМАРОВнинг вафоти муносабати билан ҳуқуқ таъзия билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ жамоаси таъминот участкаси иш юритувчиси Мавлуда Кенжаевага волидаи муҳтарамаси

РАҲИМА яннинг вафоти муносабати билан ҳуқуқ таъзия изҳор этади.

Коллектив предприятии ООО ПП "Telmax Electronics" выражает глубокое соболезнование ведущему экономисту Е.Пруцковой в связи с кончиной матери

ПРУЦКОВОЙ
Лидии Егоровны.

Айтишларича, қадимда Наврўз байрами олти кун давом этган. Ҳафта давомида яхши ниятлар билан турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилган. Кўча, ҳовли ва уйлар тозаланиб, сўлим баҳор олиб келган файзу тароват янада бойитилган. Озодалик ва покизаликка бағишланган ҳашарда катта-ю кичик баҳамжихат иштирок этган.

Бу байрам — барчамизники



Ўз навбатида, башанг кийинган ёшлар ва сарполар ярашган кексаларнинг сумалак сайлига чиқишгани яшариш ва янгиланиш фасли удумлари давомийлигидан дарак берган. Қолаверса, Наврўз кунлари гина-кудуратлар унутилиб, кишилар яхшиликка интилишгани ҳам бор гап. Эътиборлиси, жамоамиз аъзолари ҳар қачонгидека, бугун ҳам умумхалқ байрамими шундай кўтаринки кайфият билан кутиб олишмоқда. Ўтказилаётган байрам олди тадбирларида филиал бошланғич касба уюшмаси кўмитаси ташаббускорлиги сезилиб турибди.

Ҳозир жамоамизнинг аънаваный сумалак сайлига пухта ҳозирлик кўриломоқда. Кўчатлар ўтказилиб, юрт кўркига кўрк бахш этишга, ободонлаштиришга катта ҳисса қўшиляпти. 2015 йилнинг Давлатимиз раҳбари томонидан Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганлиги диққат-эътиборимизда турибди. Наврўз кунлари филиалимизда кўп йиллар самарали меҳнат қилган, айни чоғда кексалик гаштини сураётган фахрийларимиздан кўнгил сўраб, байрам билан табриклаймиз. 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида эса Термиз шаҳридаги "Нуронийлар" чойхонасида уларнинг суҳбатини ташкил этамиз. Мақсад инсон қадр-қиммати ҳар қандай бойликдан улуг ва устувор эканлигини ёшларга кўрсатишдан иборат.

Филиал бошланғич касба уюшмаси кўмитаси ўз фаолиятига худди шундай амалий ёндашаётгани учун ҳам 300 нафардан ортқ аъзолари ишончини қозониб келмоқда. Ўтган йили филиалга қарашли Денов, Олтинсой, Учқизил, Бойсун телекоммуникациялар боғламалари ҳамда Автохизмат бўлими ходимларидан беш нафари соҳа ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан мамлакатимиз сихаттоҳла-

рида соғлиқларини тиклаб қайтишди. 22та муҳандис-техник ходим эса Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат қилишди. Алоқа ходимларининг юздан зиёд фарзандлари ёзги таътил даврида Шеробдадаги "Бешбулоқ" ва Олтинсойдаги "Вахшивор" оромгоҳларида марокли ҳордиқ чиқаришди. "Соғлом бола йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш борасидаги яна бир тадбиримиз — "Соғлом она — соғлом авлод гарови" шиори билан ташкил этилган алоқачи аёллар фестивали бўлди. Фестивал қатнашчилари тўққиз юзу тўқсон беш минг сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди. Энг муҳими, ходимларимиз мусобақаларда яхши натижаларга эришишди.

Жамоамизда ёш кадрлар билан ишлаш эътиборда. Дарвоқе, Жарқўрган ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи филиал оталигига олинган. 2014 йили шу даргоҳ битирувчиларидан беш нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, ўз навбатида, уларнинг ишга жойланиши алоҳида назоратга олинди. Хусусан, уч томонлама шартнома асосида филиалга қабул қилинган 6 нафар ёш мутахассиснинг иш кўникмасини шакллантириш мақсадида бевосита филиал касба уюшмаси кўмитаси бюджет маблағи ҳисобидан уларнинг ҳар бирига 53 минг 817 сўмдан моддий ёрдам берди.

Наврўз — мустақил мамлакатимиздаги энг улуг, энг азиз айёмлардан бири. У барчамиз учун боқий ва баҳорий байрам. Жамоамиз аъзолари шундай унутилмас дамларни муносиб меҳнат тўхталари билан кутиб олишга одатланишган.

Акmalжон Дониёров,
"Ўзбектелеком" АҚ Сурхондарё филиалининг бошланғич касба уюшмаси кўмитаси раиси

ЁШ АВЛОД МАҲАЛЛА ЭЪТИБОРИДА

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Асосий қонунимизнинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар", дея белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, вояга етмаганларни соғлом, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда маҳаллаларнинг ўрни алоҳидадир.

Мамлакатимизда маҳаллалар ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий аънава ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кўмитаси, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ишлари кўтилган натижаларни бераётир. Мисол учун, биргина ўтган йилнинг ўзида "Соғлом бола йили Давлат дастури" доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилганлиги натижасида ота-оналар томонидан никоҳ ёшига етмаган фарзандини эрта турмушга узатиш ёки уйлантиришга оид 270 ҳолат аниқланган ва тушунтириш ишларидан сўнг эрта никоҳларнинг олди олинган.

Ёки бўлмаса, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги "Ота-оналар университетлари" томонидан ёш авлод тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларни ошириш бўйича ўқув-семинарлар, маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилаётгани бу борадаги долзарб масалаларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилмоқда. Маҳаллалар, ўрта махсус ва умумтаълим муассасаларида ўқувчилар учун санъат, спорт ва касб-ҳунар тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилган ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга имкон яратмоқда. Келажагимиз эгалари қалбидека спортга муҳаббат уйғотиш борасида тизимли ишлар амалга оширилдики, натижада бугунги кунда республикамизда икки миллиондан зиёд бола мунтазам спорт билан шугулланмоқда. Ана шу хайрли ишлар самарасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсон бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоиз, пневмонияга чалиниш 49,7 фоиз, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоиз камайди.

Мамлакатимизда ўғил-қизларимизни комил инсонлар сифатида вояга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар узлусиз давом эттирилаётгани ёш авлодга бўлган мустаҳкам ишончининг ёрқин намунаси.

Шахло Кўчимова,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани
1-Давлат нотариал идораси нотариуси

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Линшер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувон НАЖБИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахрират фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Маязил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-365 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 14520 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳхўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
715-87-21

Гулестонда
240-00-46

Жиззахда
(94) 199-95-64

Навоида
225-91-10

Нукулда
554-35-45

Самарқандда
230-64-80

Термизда
(91)235-88-68

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
(90) 713-21-40

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99